

Электрон солиқ хизматлари интеграциясининг янги босқичи

Мамлакатимиз Президенти 2023 йил 24 май куни «Рақамли хизматлар камрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-162-сон Қарорни имзолади.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ бир қатор давлат хизматларини такомиллаштириш, давлат ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига қулай шароитлар яратиш назарда тутилмоқда.

Хусусан, **2024 йил март ойида** – синов тарзида “Электрон рецепт” ҳамда “Асл белгиси” рақамли маркировкалаш тизимлари ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви йўлга қўйилади.

Шунингдек:

2023 йил июль ойида – my.gov.uz va license.gov.uz порталларида Онлайн-НКМларни давлат рўйхатдан ўтказиш;

2023 йил октябрь ойида –

– “my.gov.uz” портали орқали жисмоний шахсларнинг ортикча тўланган солиқларини қайтаришга (нодавлат МТТларга тўланадиган тўловлар, ўқиш учун тўланган контракт суммаларини, олинган ипотека кредитлари) ариза юбориш;

– my.gov.uz va dxa.gov.uz порталларида кўчмас мулкни ва очик ер майдонини ижарага бериш шартномаларини ҳисобга қўйиш;

2023 йил декабрь ойида –

– my.gov.uz va my.soliq.uz портали орқали солиқ декларацияларини (*йиллик, ихтиёрий, дастлабки, чет эл жисмоний шахсларининг мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар*) тақдим этиш имконияти яратилади.

Бундан ташқари, Солиқ кўмитасининг тегишли ахборот тизимлари орқали:

– Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Геоахборот” ахборот тизимида қишлоқ хўжалиги соҳасида истеъмол нархлари индекси кўрсаткичларини шакллантириш учун зарур бўлган нарх маълумотлари (*2023 йил декабрь*);

– “Рақамли геопортал” ҳамда “Халқ назорати” платформалари доирасида юридик шахс ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар, улар томонидан тўланган солиқлар ҳамда мавжуд солиқ қарзи, онлайн-НКМ ҳамда кўчмас мулк ижара шартнома маълумотларини ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилган ҳолда тақдим этиш (*2024 йил март-апрель*) белгиланмоқда.

Ахборот коммуникация-технологиялари департаменти